



АДОЛАТ

Ўзбекистон
«Адолат»
СДП
газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1998 йил, 24 июль, № 29 (172) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллиги олдидан

ЕТТИ ЙИЛ МЎЪЖИЗМАЛАРИ

Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин...

Оташқалб шоиримизнинг ушбу ўтти сатрлари шу кунларда ўзгача мазмун касб этиб жарангламоқда. Биз Гофур отанинг қаламига мансуб машҳур шеърининг дастлабки сатрига: «Азиз асримизнинг азиз, сўнгги, мазмунга тула улугвор онлари» деган таърифларни қўшсак ҳам ҳақиқатни сўзлаган бўламиз...

Таққослашда гап кўп дейдилар. Жафокеш юртимиз Ўзбекистон тарихини эслар эканмиз, ногоҳ кўз олдимизга 70 ва 7 рақамлари келади. Пайқаяпсизми? Ҳа, 70 — бу халқимиз қуллик исқандарига ушлаб турилган, 7 эса, ниҳоят, кўрагимизга шамол тегиб, бошимиз узра қўш порлай бошлаган йиллардир. Етмиш билан еттининг ўндан бирга фарқи бор, лекин тарихий, ижтимоий ўзгаришлар борасида гап кетганида эса, бу фарқ миллиондан бўлмаса-да, мингдан бирга бориб тақалади.

Йироқ Амрикода тафт
сочар бу кун
Ўзбек қўшининг
олов парчаси.

1993 йил

Бу қутлуг йилни Ватанимиз тарихига катта иқтисодий ислохотлар бошланиши йили деб қиритиш мумкин. Республика Президентининг Фармонида кура, мамлакатимиз сарҳадларидаги юзлаб, минглаб ҳужалик, қорхона, ташкилотлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, ишлаб чиқариш жамоаларига, хусусий шахсларга сотила бошланди. Бундан икки томонлама фойда кўрилди: ҳам одамларда мулкка эгалик ҳисси, эртанги кунни учун ишонч пайдо бўлди, ҳам давлат газнасига пул тушди ва у мустақил республикамизнинг иқтисодий куч-қудратини мустақамлаш учун йўналтирилди. Бу йилни биз Буюк Иқтисодий Ислохотлар йили деб аташга тула ҳақлимиз.

1992 йил

Ушбу йил Ўзбекистон, ниҳоят, жаҳон ҳамжамияти томонидан мустақил, суверен, тенг ҳуқуқли давлат сифатида эътироф этилди. Бир суз билан айтганда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Бунни эшитиб, кузларимизда қувонч ёшлар кўринди. Нафақат биз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларида истиқомат қилаётган ўзбеклар бағри тулиб нафас олдилар. БМТ бисноси ёнида Ўзбекистоннинг мовий-оқ-яшил байроғи ҳил-пирай бошлади.

Ўзбекининг алл шоири уша кунлардаги хис-ҳаяжонларини куйидаги оташ мисраларда баён қилган эди:

Кенг жаҳон бир қадам
бўлди мен учун,
Менга ҳам очилди
олам дарчаси.

1991 йил

Бу йилнинг таърифини қилиш ўзи ортиқча бўлса керак. Унинг ҳосиятлиги, ўзига ҳослиги шундаки, бу рақамларни чапдан уннга (европача) ва аксинча, ундан чапга (арабча) ёзсангиз ва ўқисангиз ҳам тўғри бўлаверди...

Ўзбекистон халқи ва давлатининг
йўли битта — озошлик ва эркинлик,
мустақиллик ва тўб ислохотларни
оғишмай амалга ошириш!

Ислом ҚАРИМОВ.

иккинчи марта қайта ишлаб,
ундан соф олтин олиш ҳам
йўлга қўйилди.

Мазкур қўшма қорхонанинг очилишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Юртимиз раҳбарининг қўлида олтин қўямасини шодон бир ҳолда кутариб турган сурати жаҳон газеталарининг деярли ҳаммасида босилди.

1996 йил

Бу йилни тарихимиз солномасига бемалол Ўзбек Автомобили йили деб қиритса арзийди. Асака шахридаги «ЎздЭУавто» қўшма компанияси унинг дастлабки маҳсулотини берди. Завод конвейерларидан 25 март кунни дастлабки «Дамас», 15 июнь куну — «Тико», 25 июнда эса «Нексия» машиналари тушди.

Заводнинг ишга тушуши тантаналарида юртимиз раҳбари Ислом Каримов иштирок этди.

Авваллари республикамизда қудратли ҳаво кемалари ишлаб чиқариладди. Ушундан кейин мамлакатимиз жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар сафига 28-бўлиб қўшилди. Ушбу уринда андижонлик шоир Тулун Низомнинг қўлидаги сатрларини эслаш уринилидир:

«Нексия»нинг борми
дейсан қаноти,
Бамисоли Гўрўғлининг
Фироти!..

1997 йил

Кенг жаҳон афғор омма-
си ушбу йили республика-

мизнинг иқтисоди қўшма шах-
ри — Бухоро ва Хиванинг
2500 йиллигини нишонла-
ди.

Давлатимиз раҳбари биз буюк аждодларимиз, улар қолдирган улмас обидалар билан ҳар доим мағрурланишимиз лозимлиги тўғрисида кўп марта таъкидлаган. Ана уша икита қадимий шаҳарнинг тарихи бизнинг маънавиятимиз чашмаси қанчалик қучур эканлигидан аққол далалат бериб турибди. 1997 йил тарихимизга Бухоро ва Хива йили бўлиб қирди, десак ҳақиқатдан четга чиқмаган бўламиз. Ахир «Тарихингиз минг асрлар ичра пинҳон Ўзбеким» дея беҳиз ёзма-дан дилкаш шоиримиз...

Тарих гилдираги ҳамон ўз ҳаракатида давом этмоқда. Биз энди минг тўқиз юз тўқсон саккизинчи йилни бошдан кемираётимиз. Бу йил ҳам мамлакатимизда унлаб оламшумул-тарихий воқеалар бўлиб ўтаётди.

1998 йил

Тарихимизда узининг уч-мас бирон бир воқеаси билан из қолдиради, албатта.

Мақоламизни эса буюк шоримизнинг буюк сатрлари билан бошлаган эдик. Уни худди шундай буюк ва гузал сатрлар ила тугалламоқчимиз:

Фурсат ганиматдир, шох
сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр
дафтарин...

Тўхтамурод ТОШЕВ,
Қодиржон СОБИРОВ.

ЮРТБОШИ ЎГИТЛАРИ

Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақил-
лиқни мустақамлаб, истиқлолни мустақамлаб
олга юриш.

Давлатимиз, жамиятимиз мустақиллик ша-
роитида олиб бораётган сиёсатининг энг бирин-
чи мақсади, халқимиз учун, юртимизда яшаёт-
ган ҳар қайси оила, ҳар қайси инсон учун муно-
сиб ҳаёт шароитини барпо этиш, тинч, осуда ва
фаровон ҳаётимизни мустақамлашдир.

Ўзбекистон халқи ўз қўлига кишан урди-
риб, алдаб-сулдаб, онгини бўзиб, эски охурга
қайтадан илсиз боғлаб қўйилишига ҳеч қа-
чон ва ҳеч қандай йўл билан розилик бер-
майди. Бу — аниқ гап.

Тарихан умрини тугатган тузумга мотам ту-
тиб ўтиришга бизнинг фурсатимиз ҳам, имко-
ниятимиз ҳам йўқ. Шу иш билан машғул одам-
ларга яна бир марта эслатиб қўймоқчиман: орт-
га йўл йўқ. Ортга қайтмай деб овора бўлма-
нглар. Мабодо олға юришни истамас экансизлар,
марҳамат, бошқаларни тинч қўйинглар, овора
қилманглар. Ишимизга ҳалақит берманглар.

Сиёсатимизнинг асосий мақсади — дунёга
эшик очиб, жаҳон майдонига, тараққий этган
давлатлар қаторига собитқадамлик билан кириб
боришдир.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

23 июль кун Президент Ислом Каримов раис-
лигида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди.
Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Ке-
нгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимла-
ри, вазирликлар, қўмиталар, қонцернлар, корпо-
рациялар, уюшмалар, идоралар ва ташкилотлар-
нинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисида 1998 йил биринчи ярим йиллигида иқтисо-
дий ислохотлар устивор йўналишларининг амалга ошири-
лиши ва Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий-иқтисо-
дий ривожланиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида иқтисодий ислохотлар-
ни қучураштиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг
изчил амалга оширилиши жорий йилнинг биринчи ярим
йиллигида молиявий барқарорлиқни мустақамлашга, аҳо-
ли турмуш даражасининг ўсишига ердаи берганлигини
алоҳида таъкидлади.

Халқимиз юрт ободлиги, Ватанимиз равнақи йўлида фи-
дкорона меҳнат қилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим
йиллигида ялпи ички маҳсулот ҳажми утган йилнинг шу
даврига нисбатан тўрт фоиз ўсди. Саноат маҳсулотини иш-
лаб чиқариш чакана товар обороти ва аҳолига пулли хиз-
мат кўрсатиш ҳажмларининг ўсиши таъминланди. Иқтисо-
дийта жалб этилган инвестициялар ҳажми 12 фоиз қў-
лайди. Импортни оқилона ташкил этиш ҳисобига ташқи
савдо оборотида ижобий натижага эришилди.

Маълумки, қишлоқ ҳужалиги мамлакатимиз иқтисодида
етақчи урини эгаллайди. Шунинг учун ҳам бу соҳани ри-
вожлантиришга эътибор йилдан-йилга қучайиб бормоқда.
Жорий йилнинг утган олти ойида қишлоқ ҳужалигида мулк-
чилик шакллари ўзгариш, жамоа, оила пудратини
жорий этиш, фермер, деҳқон ҳужалиқларини янада ри-
вожлантириш учун шароит яратиш йўлида дастлабки му-
ҳим қадамлар ташланди. Олий Маҳлис ун биринчи сес-
сиясида қишлоқ меҳнатқашларининг ҳуқуқ ва бурчларини
мустақам ҳимоя қиладиган тўртта янги қонун қабул қи-
линди.

Республикамиз галлакорлари бу йил ҳар қачонгидан
кўпроқ дор йиғиштириб олишга аҳд қилган. Мамлакатим-
из галлазорларида мул ҳосил этиштирилди. Демак, бу
йил дор мустақиллигига эришилгани учун барча имко-
ниятлар мавжуд, лекин маҳлисида таъкидланганидек, иқ-
лими, ери бир хил бўлган шароитда галладан турлича
ҳосил олинати. Масалан, андижонликлар бу йил сугори-
ладиган ҳар гектар ерда 75 центнердан ҳосил этиштирилган
бўлса, бу кўрсаткич Қашқадарёда 22,6, Жиззахда 21,3,
Қорақалпоғистон Республикасида эса 14,8 центнерни таш-
кил этди.

Мажлисида утган ярим йилда эришилган муваффақият-
лар таҳлил этилиши билан бирга, йўл қўйилган камчилик
ва мавжуд муаммоларга ҳам жиҳдий эътибор қаратилди.
Хусусан, «Ўзқилиққўшма-Холдинг», «Ўзмевабазо-
вотўзусаноат-Холдинг» компаниялари, «Ўзқилиққўшма-
Ўзмасаноат» уюшмалари қорхоналари томонидан маҳ-
сулотни экспорт қилиш ва валюта тушумлари бўйича топ-
шириқлар бажарилмади. Айрим соҳаларда ишлаб чиқа-
ришни тақомиллаштириш, замонавий техника билан жи-
ҳозлаш, ҳориқий сармояни жалб этиш борасида сустқаш-
лиқка йўл қўйилмоқда.

Республика Бош вазирининг уринбосари, макроиқти-
содиёт ва статистика вазирли Б. Ҳамидов, Бош вазир урин-
босари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорлиқни
қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен, «Ўзме-
вабазавотўзусаноат-Холдинг» компанияси раиси Б. Но-
сиров, Қишлоқ ва сув ҳужалиги вазирининг биринчи урин-
босари И. Бобожонов муҳокама этилган масалалар хусу-
сида ақберот берди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор
қабул қилинди.

Йиғилишда Олий Маҳлис Раиси Э. Халилов, Бош ва-
зир У. Султонов, Бош вазирининг биринчи уринбосари И.
Журабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош
вазир уринбосарлари қатнашди.

(ЎЗА).

ОЗОДЛИК ҚАНДАЙ ТОТАИ СЎЗ!

шахсан гувоҳиман. Ҳар бир соҳа ривож топмоқда, иқтисодд-
да ҳам сиёсатда ҳам, маънавиятда ҳам катта ўзгаришлар руй
бермоқда. Яъни, бугунги оқилона сиёсат халқимизнинг онгида
катта ўзгаришларни ясамоқда. Биргина ободончилик ишлари-
ни олайлик. Бу соҳада Тошкент шаҳрининг узида тарихий аҳо-
миятга эга бўлган анча ишлар қилинди. Бу ерда олиб бори-
лаётган ободончилик ишларининг қўламини кенгайтириш, урганса
арзийдиган тажриба юзага келди. Пойтахт чинакамми Шарқ-
нинг машъалига айланмоқда. Ахир бу ишларни тан олмай бў-
ладими? Бу мустақиллиқнинг энг улуг шарофатларидан бири
эмасми? Ҳар қанча қувонсак, ҳавас қилсак арзийдиган ишлар
қилинмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишларда ҳам
катта ўзгаришларни кўриш мумкин. Илгари ишсизлик муаммо-
си катта бўлган Ўзбекистонда қатор ижобий ишлар қилинди.
Қисқа вақтда «Бандлик» қонуни қабул қилинди. Ҳар бир ишсиз
қолган ва иш билан банд бўлмаган фуқаролар билан ишлаш
анчалик енгиллашди. Тошкент шаҳрида ҳозир ишсизлик муам-

моси бартараф этилган. Яъни,
бугунги кунда 19 минг 680 та
бўш иш уринлари узининг ҳақи-
қий фидойиларини кутмоқда.

3. Жаҳонан Ватанимизнинг
гузаллигини ҳар қанча таъриф-
ласак оз. Бирорта бир давлат,
бирор бир халқ шу қисқа давр
ичида шунчалик ютуқларга эри-
шди, шунчалик узини дунёга
қўз-қўз қилади, деб тасаввур қи-
лиш қийин. Лекин бизнинг дав-
латимиз шу қисқа вақтда жаҳон
ҳамжамиятида ўз урнини эгал-
лади. Бунга яхши қўз билан қа-
раётганлар ҳам, ёв қараш қи-
лаётганлар ҳам уйрамоқда, ле-
кин бизнинг эришган ютуқлари-
миз ҳақиқат!

Давлатимиз кундан-кунга юксалиб, тараққий этиб бор-
моқда. Ўзбекистон келажикда буюк давлатга айланиши учун
ҳозирдан мустақам пойдевор яратилаётипти.

Ҳикматулло ҚОДИРОВ
ёзиб олди.



Тупроғингга бош қўйиб,
Жон берсам, йўқ армоним
Ҳар битта одимимда
Юртбошимдир сарбоним.

Довонлардан ошиб ўтган,
Улкан, улуг қарвоним,
Сенга фидо айлай жоним,

Юртим — Ўзбекистоним.

Киндик қоним тўкилган юрт
Асли жаннатмақонсан,
Дунё ўзи бир томонун,
Сен ўзинг бир томонсан,

Алпомишлар доврўғ солган,

Истиқлол мадҳи

ЕТТИ ЙИЛЛИК ЧАМАНЗОРИМ

Олтин унган бўстони,
Отам ўзинг, онам ўзинг,
Юртим — Ўзбекистоним.

Азал-абад суруримсан,
Осмон қадар ғурурим.
Суяңчимсан, юпанчимсан,
Ифтихорим, қўз нурум.

Истиқлолнинг қўёшидан
Унган омон-омоним.

Етти йиллик чаманзорим —
Юртим — Ўзбекистоним.

Хосият ЖАББОРОВА,
Китоб тумани.





— Хурматли Тимур Камолович! Сухбатимизни Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятга қисқача таъриф бериш билан бошлаш...

— Республикада ижтимоий-сиёсий вазият барқарор. Халқимиз юртимиз мустақиллигининг етти йиллик шонли байрамини муносиб қутиб олиш учун ҳамма жабҳаларда фидойиларча меҳнат қилмоқда. Энг асосийси, меҳнаткашларнинг кайфияти яхши, қўлариники, келажакка ишончи катта. Чунки, халқимизнинг юртбошимиз йўл-йўриқлари, қўрсатмалари, давлатимизни ривожлантиришнинг таъминоти асосида меҳнатга бўлган муносабати ўзгармоқда, ҳўжайинлик, мулк эгаси ҳис-тўғуси шаклланимоқда.

Жорий йилнинг олти ойида саноатда, қурилиш комплексида, қорғачилик маҳсулотларини етиштиришда, пул муомаласини яхшилашда, ижтимоий тадбирларни амалга оширишда ижобий натижаларга эришилди.

Саноат қорхоналарини хусусийлаштириш, кўчмас мулк биржалари, қимматбаҳо қўғозлар бозорини ташкил қилишда ишлар давом этмоқда. Ҳозирги пайтда давлат тизимидан ўтган ва ҳаракат қилаётган 10 мингдан кўпроқ ҳўжалик субъектларнинг 82 фоизидан ошғири нодавлат секторини ташкил этади. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг улуши 95 фоизга тенг. Шу даврда кўчмас мулк биржаси филиали «Қиммат» савдоларида 37 млн. сўм бўлган 233 объектлар сотилди. 187 ҳиссдорлик жамиятлари эмиссия проспектларини рўйхатдан ўтказди.

— Мустақиллик Қорақалпоғистон учун сиёсий-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда қандай иштибоқлар эшигини очди?

— Мустақиллик йилларида республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида улкан тарихий ўзгаришлар, кўпгина янгиликлар юз берди. Энг муҳими, истиқлол ўзгичлигини танишга, тарихдаги ўрнимизни аниқлашга, миллий, маданий, тарихий меросларимизни қайта тиклаб, ривожлантиришга оидин йўл очди, катта имкониятлар яратиб берди.

Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг асосий Қомуси — Конституция, Байроғи, Тўғриси ва Мадҳиясига эга бўлди.

Мустақиллик шарофати билан. Қорақалпоғистон фан ва маданияти тобора ривожланиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон ҳўкуматининг ёрдами катта. Маданиятимиз, адабиётимиз азалдан чуқур илди энтган.

Вазирлар Маҳкамасининг шоир Бердақнинг 170 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилиши қорақалпоқ халқи адабий меросини янада кенг тарғиб этишни мақсад қилади. «Алпомиш» достонининг минг йиллиги муносабати билан унинг қорақалпоқча вариантини Тошкентда кўп нусхада нашрга тайёрлаш ҳам халқимизга бўлган буюк ҳўрматдир.

Ўтган йили «Қирқиз» халқ достони ва қорақалпоқ фольклори бўйича халқаро илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Юртбошимиз раҳнамолигида бу йил Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг бой экспонатлари кўргазмаси Францияда ўтказилиб, юқори баҳо олди. Театримизда биринчи миллий балет — «Айжамол» сахналаштирилди. Халқимизнинг талантли, иқтидорли ёшлари чет мамлакатларда ўқиб, билимларини оширмоқдалар.

Америкада ўқиб келган Маҳмуд Сулайманов у ерда ўтказилган «Эркинликни қўллаб-қувватлаш» Акти бўйича конкурсда ғолиб чиқди. Алишер Санатуллаев Туркияда физикларнинг халқаро олимпиадасида бир бора учта олтин медални қўлга киритди. Албатта, бу истеъдодли ёшларни мустақиллик шарофати билан кашф этдик.

Республикамиз илгирги хомашё базасидан саноати, ишлаб чиқариши ривожланган ўлкага айланмоқда. Жуда қисқа муддатларда қуриб битказилган «Катек», «Элтек» тўқимачилик комплексларининг маҳсулотлари ўзининг юқори баҳосини олмоқда. Ҳўжайли шахрида шиша ишлаб чиқарадиган завод, Нукусда мрамар заводи, спирт ишлаб чиқариш цехи, шунингдек Тўртқўл ва Қўнгирот шаҳарларида улкан ун заводалари, бир қатор туманларда замонавий «Викнелер» нонвойхоналари қурилиб ишга туширилди ва маҳсулот бермоқда.

Президентимиз томонидан ер ости бойликларини қидиришга, топиш ва уларни халқимизнинг бахт-саодати йўлида ишлатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу ишлар ўз самарасини бермоқда.

Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистоннинг Устюрт минтақаси нефть-газ салохиятини ўзлаштириш ис-

тиқболлари» халқаро конференцияси иш-тироқчиларига юртбошимизнинг йўллаган табириномасида таъкидлаб ўтилганидек, республика ер ости бойликлари, юксак илмий-технавий салоҳият ва ишлаб чиқариш тажрибаси нефть ва газ тармоғини бундан буюк ҳам жадал ривожлантириш, Ўзбекистоннинг энергетика соҳасидаги мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиётнинг янги тармоқларини ривожлантириш учун янги-янги имконият ва истиқболларни очиб бермоқда.

— Халқ ҳўжалигини ривожлантиришдаги бош йўналишлар, хорижий инвестициялар ва уларни ўзлаштириш, қўшма қорхоналарнинг фаолияти, мазкур масалалар юзасидан ютук

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Чет эл инвестицияларининг иштирокида янги қорхоналар, ишлаб чиқариш объектларини қуриш ишлари бошланмоқда. Шу кўнға келиб ташқи иқтисодий алоқаларда қатнашадиган 189 қорхона фаолият кўрсатмоқда, 11 қўшма қорхона бор.

Ўзбекистон бўйича тузилган инвестиция режасида Қўнгирот сода заводи қурилишига Германиянинг «Берлинер банк»дан, Нукус шахрини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш учун Қувейт жамғармасидан, Ҳўжайли кема таъмирлаш заводи эса Малайзиянинг «Альфа-Сьера» фирмаси билан ҳамкорликдаги қорхона-нинг тузиш учун 60 млн. АҚШ долларидан ортиқ сармоя олиш режалаштирилган.

ИСТИҚЛОЛ КЕЛАЖАККА ЕТАКЛАЙДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Тимур КАМОЛОВ билан сўхбат

ва муаммолар хусусида айтиб берсангиз...

— Саволнинг биринчи бўлимига юқорида қисман тўхтаб ўтдик. Бизнинг асосий мақсадимиз — ўтмиш асоратини тезроқ бартараф қилиб, хомашё эмас, маҳсулотлари жаҳон андозаларига жавоб берадиган саноатни, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборатдир.

Бунинг учун ўз салохиятимиз, имкониятларимиз камлик қилади, кўпроқ чет эл инвестициясини жалб қилишимиз керак.

«Қорақалпоғистон» иссиқхона ҳўжалигида Исроилнинг «Нетафим» компанияси билан ҳамкорликда томчилатиб сугориш усулининг жорий қилиниши яхши натижа бераётди. Ҳўжалик олдинги йилларда етиштирган ҳўсилни ҳўзир 4 ойда бермоқда.

Республикада сув танқислигини ҳисобга олган ҳолда, ҳўжалик 120 гектар майдонда очик усулда томчилатиб сугоришни амалга ошириш борасида тегишли лойиҳалар тайёрлаш ишларини олиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республика-



Қорақалпоғистон Республикаси, Тўртқўл туманидаги Шароф Рашидов номидаги деҳқон фермер ҳўжалиги уюшмасида бу йил пахтадан мўл ҳўсил етиштирилади. Уюшмалар аксарият майдонидида чигитлар плёнка остига экилган эди. Бу ерда гектар бошига 35 центнердан ҳўсил

йигиштириб олиш учун курашилаётди. СУРАТДА: (чапдан) бригада бошлиғи Сапарбой Аминов ва уюшма раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Рустам Рўзимов.

Хусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

си бўйича 2000 йилгача инвестиция дастурлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, республиканинг экспорт имкониятини кўтариш бўйича тавсиялар ишланди. Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришда катта ишлар амалга оширилмоқда. Асосан деҳқон-фермер, ширкат ҳўжаликлари ишларига эътибор бу соҳада ижобий самара берапти. Бу йил республика деҳқонлари 310 минг тонна пахта, 161 минг тонна шолӣ етиштириш режалаштирмоқда ва шўнға яраша меҳнат қилмоқдалар. Аммо, галларқорларимиз режадагидан кам ҳўсил олдилар. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд.

Қорақалпоғистоннинг иқлим шароити кескин континентал, қиши совуқ, ёзи жазирама иссиқ, шароити оғир. Бу эса деҳқонларимиз олдиға қўшимча муаммоларни кўндаланг қўяди. Оқибатда деҳқончиликдаги йотқурликмиздан кўнглимиз тўлмаётгани сир эмас.

Муаммолар етарли, ҳамма жойда ерга, меҳнатга бўлган муносабат бир хил эмас. Одамларнинг кўпчилигида ишбилармонлик, тадбирқорлик, изланиш етишмапти. Келажакда бу борада кўп иш қилишимиз лозим.

— Қорақалпоғистон — кўп миллатли республика. Ҳамма миллатларнинг тенг ривожланиши учун қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Биз азалдан бир-бировға дўст, қон-қардош, феъли кенг, кўнгли оқ халқмиз. Ҳўрматли Президентимиз олиб бораётган сиёсатни ҳаётға татбиқ этган ҳолда барча миллатларнинг тенг ривожланиши учун имкониятлар яратилмоқда. Республикада рус, қорейс, қозоқ миллий маданият марказлари ишлайди. Рус, қозоқ, ўзбек тилларида республика газеталари нашр қилинади. Ўқувчиларни туркман, қозоқ тилидаги мактаб дарсликлари билан таъминлаш бўйича ижобий ишлар қилинмоқда. Нукус шахри, бир нечта туман аҳолиси Қозоғистон теледастурларини томоша қилиш имкониятига эга. Яқинда Ўзбекистон ҳўкумати ёрдамида Нукусдан Қозоғистоннинг Манғистов вилояти маркази Оқтоғва йўловчилар поездининг қатнови йўлга қўйилди.

Республикада яшайдиган барча миллатларнинг миллий, маданий йотқурли халқимизга кенг намоиш қилинмоқда. Албатта, бу — халқларнинг аҳил ҳаёти, метиндек бирлигининг негизи.

— Орол муаммоси — экология масалаларини ҳал қилиш бўйича қандай ишлар қилинмоқда?

— Орол муаммоси жаҳон ҳамжамятининг диққат марказида бўлиб кўпгина халқаро ташкилотлар ёрдам кўрсатмоқда. Ўзимиз томондан эса, ўлкаимизнинг экологик-санитария аҳолини яхшилашга, ўрмон ҳўжаликлари ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Орол денгизи ҳудудида 1 млн. 38 минг гектар майдонда агро-ўрмон мелiorатив схемаси ишлаб чиқилди ва у тузли чанг тўзонларни тўхтатиш мақсадида ишлатилмоқда. Денгизнинг суви кетиб қолган майдонларига саксовул экилаяпти. БМТ билан ҳамкорликда Нукус шахри атрофида бир неча километрик «Яшил ҳалқа» дастури амалга оширилаяпти. Шунингдек, бу ишларда халқаро Орол жамғармаси ҳам фаолият кўрсатапти. Теракзор, богдорчилик ривожлантирилмоқда.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга, айниқса овул аҳолисини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга эътибор улкан. Ўзунлиги 243 километрик Туямўйин-Нукус сув олиб келиш иншоотининг қурилиши битказилиб, ишға туширилиши ичимлик сув билан таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу сув ўтказгичининг иккинчи навбати бошлаб юборилиши назарда тутилмоқда. Ҳўзир аҳолининг 60 фоизи сув, 86 фоизи табиий газ билан таъминланди.

Экология маркази бўлган Мўйноқ атрофидаги ички қўлларни сув билан тўлдириш, уларда балиқ урчитиш ишлари олиб боришмоқда. Бу йил биринчи бор денгизга сув тушди. Бу эса яхшиликнинг рамзи.

— Жўқорғи Кенгес Раиси сифатида ушбу сўхбатда яна қандай масалаларға аҳамият қаратишни лозим деб биласиз?

— Юртбошимиз мустақиллиқнинг илк йилларидан бошлаб миллий мустақиллик мафқурасига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Яқинда «Тафаккур» журна-ли бош муҳаррири берган саволларға жавобларида ушбу масалаға яна ҳам катта аҳамият берди. Бу эса ҳозирги ижтимоий тафаккурнинг йўлларини ёритувчи янги муҳим ҳужжатдир, десак муболага бўлмайди.

Шўндай экан, Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги ёшларимиз онига яна бир бор «Куч — адолатда, билим ва тафаккурда» эканлигини сингдириш барчамизнинг асосий вазифамиз бўлиши лозим дер эдим...



— Россиянинг Кемерово вилояти кўмирчилари Транс-Сибирь магистралини яна тўсиб қўйдилар. Кузбасс кўмирчилари Россия Бош вазирининг ўринбосари Олег Сисуйевнинг Кемеровога таширифта катта умид билан қараган эдилар. Бирок ҳўкумат кўмир қонлари ишчиларининг олийк муаммоларини ҳал эта олмаганидан сўнғ Транс-Сибирь магистралининг бир қисми яна тўсиб қўйилди.

— Чеченистонда кескин вазият юзаға келди. Ҳўкуматға қарши қурулӣ ҳаракат бошлаган Шарият гвардиясининг бир гуруҳ раҳбарлари ишдан четлаштирилган. Чеченистон пойтахти Грознийда бир неча кундан бери ўқ овозлари тинмаяпти. Шаҳарға олиб қирувчи йўллар чечен ҳўкумати қўшинлари билан тўсиб қўйилган.

— Жанубий Африка Республикасида йўловчи ташиш автобуси жарликка қўлаб тушган ва бунинг оқибатида 14 киши ҳалок бўлган, 80 га яқин киши оғир жароҳат олган. Тергов идоралари бу ҳалокатда автобус ҳайдовчисини айболомоқдалар. У автобусни тоғли йўлда эҳтиётсизлик билан бошқарган.

— Жанубий Африка Республикасидан олинган яна бир хабарға кўра, мамлакат Президентини Нельсон Мандела ёш авлға уйланди. Бу Нельсон Манделанинг ўз ҳаёти давомида учинчи уйланишидир.

— Бугун Филиппин пойтахти Манила шаҳрида Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси — АСЕАНга аъзо мамлакатларнинг анжумани бошланади. Анжуманда АСЕАНга аъзо тўққиз давлат — Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Филиппин, Бруней, Мьянма, Камбоджа ҳамда Вьетнам ташки ишлар вазирлари иштирок этадилар. АСЕАН анжуманида қўрилаганган масалалар асосини Жануби-Шарқий Осиёдаги иқтисодий ва молиявий тангликдан чиқиш муаммолари ташкил этади.

— Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари Строб Тэлбот Хиндистонда қилган таширифи давомида Бош вазир Атал Бихари Важапай билан учрашиб, май ойида Деҳли амалға оширган ядро синовлари ва бу синовларнинг Жанубий Осиёдаги вазиятга қўрсатган салбий таъсири хусусида фикр алмашди. Строб Тэлбот Хиндистон ва Покистоннинг ядро синовларини ялғи таъкидлаш тўғрисидаги Шартономаға қўшилиш йўлидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Сизға қандай хизмат кўрсатишаяпти?

МИЖОЗ ТАЛАБИ УНУТИЛГАЧ...

ёки Самарқанд вилоят аҳолиға маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси ва унга қарашли шохобчаларда парокандалик қачонгача давом этади?

Очик айтиш лозим, маиший хизмат уюшмаси ва унинг тасарруфидида қорхоналар бугун Самарқанд вилоятида кенг қўламда амалға оширилаятган иқтисодий ислохотлардан оракда қолмоқда. Бозор муносабатлари шароитида кўпгина меҳнат жамоалари янги имкониятларни ишға солиб, молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаб олаётган бир пайтда маиший хизмат соҳасида ночорлик, мижоз таланиб, эҳтиёжға пешвоз чиқолмаслик, боқимандлик кайфиятлари кўнға ташланмоқда. Ҳолбуки, ҳамма жабҳада ислохотларнинг муваффақиятини таъминловчи энг муҳим омил, бу-меҳнаткашға ғамхўрлик кўрсатиш, унинг қўндалик ташвиш, эҳтиёжларидан хабардор бўлиш, турмушига, рўзгорига енгиллик киритиш, вақтин тежашға шароит ҳозирлашда эканлиги сир эмас. Бу борада маиший хизмат уюшмаси зиммасидаги вазифа масъулияти янгиға ишлашни, изланувчанлиқни, ҳамма жойда мижоз учун шароитни муҳайё қилишни талаб этади. Бирок...

Вилоят маиший хизмат уюшмаси ва унинг шохобчаларида ўтган йили қўрсатилган хизмат аҳоли жон бошиға тақсимланганда атиги 19 сўмини ташкил этди. Бу республика кўрсаткичидан ҳам тўрт баробар кам. Бир қатор туманларда, чўнончи Пайарик, Пахтачи, Нуробод, Қўшработ, Гузалкентда маиший хизмат аҳолиға тақлиф этилаятган умумий хизмат ҳажмининг 3—4 фоизини ташкил этмоқда, ҳолос. Бунинг сабаби шўндаки, жойларда хизматнинг янги-янги турларини йўлга қўйиш, тармоқни малакали кадрлар билан мус-

таҳкамлаш, материал таъминотини яхшилашға маънафаатдорлик билан ёндошиш кўнға ташланмаяпти. Аксарият қишлоқларда маиший хизмат деганда асосан сартарошхонаю пойафзал таъмирлаш устахонасидан нари утилмаяпти. Улар ҳам ҳўжаликлар ҳисобидидаги ташландиқ ҳароба биноларға амал-тақал қилиб жойлаштирилганлигидан, кирган кишининг таъби хира тортади. Суратнома, радио-теле аппаратларни таъмирлаш, кийим-лашнинг кимёвий тозалаш, соат тузатиш сингари хизматлар унутиб қўйилган. Аниқроғи, шўндай хизматларни ташкил этиш, мижоз-

ларнинг талабини тулароқ қондириш учун вилоят уюшмасида на маблағ, на куч имконият бор. Шўнинг учун ҳам Булунгур ва Қўшработ туманларида янги маиший хизмат нўқталари, жулмалдан кийимларни кимёвий тозалаш қорхоналарини қуриб ишға тушириш пайсалға солиб келинмоқда. Иш-тихон, Пахтачи, Пайарик туманларида хизмат маданияти паст, қамрови тор. Ишбилармон, ҳўнармандлар уюшма таркибига киритилмай қолган. Шу боис улар фаолиятини назорат қилиш, янги соҳаларға йўналтириш қийин кечаяпти.

— Икки йил муқаддам устахона очмасак биз раҳбар-

ларға гап тегаркан деб иш-ла-пиша менға мана шу дўкончи ахратишган эди, — дейди Тойлоқ туман Варсин қишлоғидаги этиқдўз уста Олим Тошев. — Шўндан буюв ўз ёғимға узим қовурилиб ётибман. Устахонаға ҳам ўхшамайди. Ҳўвиллаган автогажанинг озиқ қисминини гишт билан тўзиб олганман. Елим, мих, татчармин узим топанман. Ишлаб орттирганнинг рўзгоримға зўрға етаяпти-ю хали солиқ идораси, ҳали уюшма вақиллари даромадни суриштириб, ҳол-ҳонимға қўйишмайди. Дўконни бир кун ёпиб қўйсам мижозларим уйимға излаб боришади. Лекин сизға ёрдам керакми, деб мени ҳеч ким йўқламайди.

Вилоят маиший хизмат уюшмаси раҳбари Владимир Алексеевич Ан соҳадаги парокандаликни хусусийлаштиришдаги шўшма-шўшарлик, калтабинлик оқибати деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бозор иқтисодиётини утиш баҳонасида вилоятдаги юзлаб

маиший хизмат нўқталари шўбҳали битимлар билан арзон-таровға, баъзан текинға сотиб юборилаяпти, уларнинг кўпчилиги тижорат дўконларига айлантирилган. Тармоқни ривожлантириш учун қайғуриб юрган қўли қўл усталар, ҳўнармандларнинг аксарияти касбларини охири ташлаб кетишға мажбур бўлишди.

Хўш, энди нима қилиш керак? Бир битта оилаға, ҳар бир рўзгорға зарур бўлган маиший хизмат юргизиш билан ким шўғулланади? Ҳўнарманд — усталарнинг узлари. Ҳўзир хусусийлаштирилган дўкон ва устахона эгалари вилоят маиший хизмат уюшмасидан олинган лицензия асосида шартнома билан фаолият юритмоқдалар. Шартномада томонларнинг мажбуриятлари аниқ қўрсатилган. Жўмладан, маиший хизмат уюшмалари устахона эгаларига зарур материал-техника воситалари, кимёвий бўвқлар ип, игна, чарм, сураткашлик ҳижозлар ва ҳўкзоларни етказиб беришлари керак. Қадрлар қўвувини ташкил этиш, янги иш услубларини тарғиб этиш, ишбилармонларнинг ҳўқуқий маънафаатларини турли доира-

ларда ҳимоя қилиш ҳам вилоят уюшмаси зиммасида. Бирок уюшма шартномада қўрсатилган мажбуриятлардан фақат лицензия тарқатиш ҳўқуқий масъалат бериш билан чегараланиб қолмоқда, ҳолос.

Гап шўндаки, ҳамон эскича иш услубларидан воз кечолмаётган вилоят маиший хизмат уюшмаси оғир молиявий қийинчиликка тушиб қолган. Уюшмада айланма маблағларнинг етишмаслиги 35 миллион сўмини ташкил этади. Ҳатто ижараға олинган хизмат машинасидан фойдаланганлик ва телефон ҳақини тўлаш учун банкдаги ҳисоб рақамидида пул топилай қолаяпти.

Вилоят ҳўкимлигининг тармоқдаги ишлар аҳолининг урганиш ва тезда зарур ҳўсосалар чиқаришға бағишланган маҳсул ёйғилишида ҳам уюшма фаолияти кескин танқид қилинган эди. Унда бир қатор шахар ва туманлар ҳўкимликлари маиший хизмат соҳасини керак бўлса ҳар томонлама маблағ билан қўллаб-қувватлаш масаласи қўндаланг қўйилганди. Бирок...

Самарқанд шаҳар ҳўкимлиги маиший хизматни ри-

вожлантириш учун ўтган йили атиги 90 минг сўм ажратган бўлса, бу йил бирор сўм ҳам сарфламаган. Туманларда аҳвол бундан бешбарат. Устахона очиш, уни таъмирлаш ёки ҳўнармандға зарур ҳижозлар сотиб олиб бериш учун ортиқча маблағ йўқ эмиш.

Аслида вилоят маиший хизмат уюшмаси раҳбари маблағ топиш ҳақида кўпроқ қайғуриши керак. Шу мақсадда уюшма Низомидида жуда кенг фаолият турлари билан шўғулланиш ҳўқуқи берилган. Аммо бу ҳўқуқ ва имкониятларни ишға солишға келганда негадир ҳафсала, изланувчанлик, қатъият етишмаяпти.

Ҳолбуки, вилоятда маиший хизмат соҳасини ривожлантиришда ҳамма урганиш ва тезда зарур тажриба йўқ эмас. Катта-кўрган шахрида тармоқни юксалтириш борасидаги илғор иш услуби бунға мисол бўла олади. Бу ерда юзлаб ҳўнарманд усталар шахар маиший хизмат уюшмасиға бирикиб, узаро ҳамфикр бўлиб меҳнат қилишмоқда. Шаҳардаги муҳташам гузаллик салонидан тортиб темир буюмларни таъмирлаш устахоналаригача даромад келтириб иш-ламоқда. Тиқувчилик цехи,

сартарошхона, суратхона, пойафзал таъмирлаш дўкончалари ҳар қадамда муҳайё. Мижозлар орасида хизматдан эътироз эшитмайси. Аммо бу тажрибани вилоятнинг қолган туманларидида қўллаш ҳақида йўлаб қўрилмагани ачинарли. Ахир бу ерда ҳам шахар маиший хизмат уюшмаси хусусийлаштирилган дўконлар билан узаро шартнома асосида иш-лапяти-ку?

Алкисса, Қўшработнинг олис қишлоғида ёки Нурободда маиший хизмат шохобчалари эшикларидида осиглик қўлфларини қуриб ажабланмаса ҳам бўлади. Уларнинг эгалари й солиқ вақилларидан яширган ёки коммунал хизматлар учун тўлов ҳақлари тўлашға қўрибларини етмай мажбурин «танаффус»ға чиқишун.

Ҳа, бу даргоҳларни меҳнаткашнинг беимнат хизмат уюшқарига айлантириш, уларнинг талаб-эҳтиёжларига «лаббай» деб жавоб бериш учун сўнғги ҳўлосани ким айтаркин?

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Адолат»нинг ўз муҳбири.

